

Кассация тартибида иш юритиш одил судлов сифатини янада яхшилашга хизмат қилмоқда

Маълумки, одил судловни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлашда судлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилиги ғоятда муҳим ўрин тутади. Шу маънода ишларнинг юқори инстанция судлари томонидан апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш тартиби жорий этилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Истиқлол йилларида судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Суд ишларини апелляция ва кассация тартибда кўриб чиқиш институтлари жорий этилди. Хусусан, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган қонунга биноан кассация тартибида иш юритиш тартиби белгиланди.

Қонунга кўра, қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят, протестларни кўриб чиқувчи апелляция инстанцияси жорий этилиб, айни вақтда кассация тартибида иш юритиш, яъни қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят ва протестлар асосида ишни юқори инстанцияда кўриш тартиби белгиланди.

Айтиш керакки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 498-моддасида ҳукм ва ажрим устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар белгиланган. Ушбу ҳуқуқий меъёрга биноан маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, кассация тартибида протест билдиришга ҳақли ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 499-моддасига биноан жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — шу судларнинг судлов ҳайъатларига; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — шу суднинг судлов ҳайъатига; округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан эса, шу суднинг судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкинлиги ҳам қонунда назарда тутилган.

Айтиш керакки, шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

Ушбу қоида Жиноят-процессуал кодексининг 500-моддасида мустаҳкамланган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майда қабул қилинган "Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарорида Жиноят-процессуал кодексининг кассация тартибида иш юритишга доир меъёрларини суд амалиётида қўллашга оид батафсил тушунтиришлар берилган.

Ишларни апелляция инстанциясида кўриб чиқишнинг жорий қилинганлиги суд хатоларини ўз вақтида тузатишга, кассация ва назорат инстанциялари эса, одил судлов сифатини янада яхшилашга, шу жумладан, қонуний кучга кирган ҳукмлар устидан шикоят бериш имкониятларининг кенгайишига, тарафлар ҳуқуқларининг тенглаштирилишига хизмат қилади.

Статистик маълумотларга қараганда, 2014 йилда жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судлари томонидан кўриб тамомланган ишлар бўйича суд қарорларидан 3,6 фоизи бўйича ёки 221 шахсга нисбатан кассация инстанцияларига шикоятлар келтирилиб, протестлар билдирилган.

Ушбу даврда вилоят судининг кассация инстанциясида шикоят ва протестлар асосида кўрилган ишлардан 23 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари, жиноят оқибатида етказилган зарарлар

ўрни қоплангани, биринчи инстанция судлари томонидан судланганларнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилингани ва уларга жазони жиноятнинг тури ва хусусияти, иш ҳолати, шахси етарлича эътиборга олинмасдан белгилангани сабабли, ўзгартирилган.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг ҳукмига кўра, С.Қодиров Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор топилиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Кассация инстанциясининг 2014 йил 20 февралдаги ажримига мувофиқ, ишни кассация инстанция судида кўришда судланувчи томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани сабабли суд ҳукми ўзгартирилди. Яъни С.Қодировга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиб, у қамоқдан озод қилинди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чоратadbирлар тадрижийлик тамойили асосида, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Тизимда кечаётган мазкур жараёнлар, шу жумладан, кассация тартибида иш юритиш фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Раҳматжон РАҲИМОВ, жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг раиси